



**Ўзларини (бошқалардан) афзал кўрадиган ва мункар деб санайдиган ишларингиз рўй беради», - дедилар. Шунда саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, (ўшандай вақт келса) бизни нима қилишга буюрасиз?», - дедилар. «Устингиздаги ҳақларни адо этасиз, ўз ҳаққингизни Аллоҳдан сўрайсиз», - дедилар**

Ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўзларини (бошқалардан) афзал кўрадиган ва мункар деб санайдиган ишларингиз рўй беради», - дедилар. Шунда саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, (ўшандай вақт келса) бизни нима қилишга буюрасиз?», - дедилар. «Устингиздаги ҳақларни адо этасиз, ўз ҳаққингизни Аллоҳдан сўрайсиз», - дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда мусулмонларнинг моли ва бошқа дунё ишларига бошчи бўладиган волийлар бўлишини ва улар бойликларни ўзлари хоҳлагандек ишлатиб мусулмонларнинг ҳаққини ман қилишларини хабар бердилар. Уларнинг динларида мункар ишлар бўлади. Шунда саҳобалар ўша ҳолатда нима қилишни сўрадилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жавобан: «Бойликларни ўзлариники қилиб олишлари сизларни уларга бўлган итоатингиз ва қулоқ тутишингиздан ман қилмасин. Балки, сабр қилиб қулоқ солинг, итоат қилинг ва улар билан волийликни талашманг. Аллоҳдан ўз ҳаққингизни, уларни ислоҳ қилишини, зулм ва ёмонликларини сизлардан даф қилишини сўранг.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3156>

